

## МИГРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

**Жўрабек Гойибов**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Академияси мустақил изланувчиси  
[Goipov\\_J@inbox.uz](mailto:Goipov_J@inbox.uz)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада миграция соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек, миграция муносабатларини бузган шахсларга нисбатан маъмурий ва профилактика чоралари қўлланилиши таҳлил қилинган, шунингдек миграция хизматидаги олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** миграция, миграция назорати, миграция оқимлари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

### ADMINISTRATIVE AND LEGAL REGULATION OF MIGRATION RELATIONS IN FOREIGN COUNTRIES

#### ABSTRACT

The article analyzes the legal basis for the prevention of offenses in the field of migration, as well as the use of administrative and preventive measures in relation to persons who violate migration relations, and also analyzes the opinions of scientists in the migration service.

**Keywords:** migration, migration control, migration flows, foreign citizens and stateless persons.

#### КИРИШ

Ҳозирги шиддат билан ривожланаётган замон шароитлари глобализация жараёнларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб бораётганлиги билан тавсифланмоқда. Бунда инсонларнинг бир давлат ичида ва давлатлараро миқёсларда бир жойдан бошқа жойга кўчиб ўтишлари, иш ва ижтимоий таъминотнинг самарадорлиги юқори бўлган шароитларидан фойдаланишга интилишлари натижасида турли жараёнлар амалга оширилаётганилиги барчага маълум. Бугунги кунда миграция жараёнларининг хусусиятлари сифатида

миграция дунёнинг барча мамлакатларида мавжудлигини, мигрантларнинг оқими асосан ривожланган иқтисодиётга эга, яшаш ва иш шaroитлари яхши бўлган, юқори иш ҳақи тўланадиган мамлакатлар сари йўналганлиги, меҳнат миграцияси салмоғининг ортиб бориши, шу билан бирга ноқонуний миграция даражасининг ўсиши; мажбурий меҳнат миграциясининг кўпайиши ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, муайян мамлакатларда иқтисодиёт тармоқларининг шиддат билан ўсиши миллий меҳнат бозорлари учун мигрантларга эҳтиёжни орттиради ва ушбу давлатларнинг меҳнат бозори очиклиги кузатилиб, уларнинг меҳнат миграциясидан манфаатдорлиги пайдо бўлади ва мазкур давлатлар уни кенгайтиришдан манфаатдорлиги мавжудлигини намоён этади.

Хорижий мамлакатларда миграция жараёнларини давлат томонидан бошқаришнинг энг муҳим хусусияти миллий миграция сиёсатини шакллантириш ва мамлакатдаги иқтисодий вазиятни акс эттирувчи ҳуқуқий режимларни қўллашдан иборатдир. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда бу хусусият ноқонуний миграцияни олдини олиш ва унга нисбатан қарши курашнинг самарали тизимини шакллантиришда намоён бўлади ва ҳудудий ва иқтисодий йўналтирилган ёндашув амалга оширилаётганилиги кузатилади.

Бундан ташқари, хорижий меҳнатни жалб қилишнинг мақсадли ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш масаласи иқтисодиёт айрим соҳаларининг эҳтиёжларига боғлиқ равишда амалга оширилади.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Таъкидлаш лозимки, хориж мамлакатларида иммиграция назоратини амалга оширишда кенг қўламли назорат усулларида фойдаланилади (сўровномалар, текширувлар, алоҳида алоҳида суҳбатлар ва бошқалар). Америка Қўшма Штатлари ва Канада ҳудудига хорижликлар киритилишининг муҳим хусусияти шундан иборатки, мамлакатда яшаш ҳуқуқи муайян муддатга берилади ва мазкур муддат тугаганидан кейин шахс мамлакатни тарк этишга тайёр бўлиши лозим.

Европа миграция тизимининг ўзига хослиги асрлар давомида ўрнатилган тартиб таомиллар билан узвий боғлиқ. В.А.Конновнинг таъкидлашича, Европа Иттифоқи давлатлари миграция сиёсати унга аъзо мамлакатларнинг хусусиятларини акс эттиради ва миграция соҳасида давлат бошқарувининг ҳуқуқий режимларини белгилашнинг ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Европа Иттифоқи ва унга аъзо мамлакатларнинг миграция қонунчилиги

мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро шартномаларга асосланади. Шу муносабат билан, Европа Иттифоқи ҳудудига хорижий фуқароларнинг кириши учун иммиграция режими ҳамжамият доирасида қабул қилинган шартномалар билан тартибга солинади: “Умумий чегара доирасида чекловларни босқичма-босқич бекор тўғрисидаги Конвенция” (1985 йил Шенген шартномаси) ва уни амалга ошириш бўйича 1990 шартномаси ва бошқалар. Бу актлар Европа Иттифоқининг «умумий» чегараларида ҳаракатланиш эркинлигини белгилаб берди ва Европа Иттифоқининг «ташқи» чегараларида кириш ҳуқуқини беришнинг ягона қоидаларини ўрнатди.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга Шенген визасини бериш учун асослар қуйидагилардан иборат:

- 1) давлат ҳудудини тарк қилиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатлар мавжудлиги;
- 2) моддий талаблар – яшашга шароитлари борлиги (маблағ ва уй-жой), қайтишга билетлари олинганлиги, саёҳат учун ҳужжатлар мавжудлиги;
- 3) ҳуқуқни муҳофаза қилиш талаблари, давлат хавфсизлигига таҳдид кўрсатиши мумкин ахборот йўқлигини, Шенген давлатлари ҳудудида ҳуқуқ ва тартибга риоя этиши.

Хорижий мамлакатларда миграция жараёнларини давлат томонидан бошқаришнинг маъмурий-ҳуқуқий режимлари қатор хусусиятлар билан тавсифланади:

- 1) миллий миграция сиёсатини шакллантириш ва мамлакатдаги иқтисодий вазиятни ва уларнинг мазмунини акс эттирувчи муайян ҳуқуқий режимларни қўллаш;
- 2) мамлакатнинг минтақавий ҳолати ва миграция тизими шаклланишининг тарихий шарт-шароитлари;
- 3) миграция оқимининг турига қараб миграция жараёнларини давлат бошқарув режимлар фарқлаш (ҳуқуқий режимлар аҳолининг ташқи ва ташқи меҳнат миграцияси давлат бошқаруви билан боғлиқ фарқ, мажбурий миграция ва ноқонуний миграция);
- 4) муайян давлат амалиётида одатда қўлланиладиган ва умумтанолинган ҳуқуқий режимлар ва уларнинг ўзига хос анъаналарининг комплекси мавжудлиги.

Хорижий мамлакатларнинг миграция жараёнларини тартибга солувчи

қонунлари ҳамда бу борадаги илмий адабиётлар таҳлили ҳозирги замон давлат миграция сиёсатининг қуйидаги турларини таснифлашга имкон беради:

а) *либерал миграция сиёсати* - хорижий фуқароларни жалб этиш, чет эл фуқаролари учун доимий яшаш ҳуқуқини беришнинг соддалаштирилган тартиби, ҳаракатланиш эркинлиги ва давлат ҳудудида яшаш жойи ўз ҳоҳишига кўра танлаш, эркин ва оптимал виза бериш тартиби, ноқонуний миграцияга қарши курашиш, миграцияни тартибга солиш учун либерал ёндашув. Миграция сиёсатининг бу тури ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган глобализация сиёсатидан манфаатдор бўлган давлатлар (Австралия, Канада ва бошқалар) томонидан қўлланилмоқда;

б) «*ётиқ ешиклар*» (*турғунлик*) *сиёсати* - аҳолининг мамлакат ичкарисида ҳам, унинг ташқарисида ҳам фуқароларнинг ҳудудий ҳаракатини максимал даражада чеклаш. Бу сиёсатнинг устуворлиги аҳолининг ҳудудий ҳаракатини чекловчи норматив-ҳуқуқий базани яратишдан иборат бўлиб, у давлатда шакллантирилган мафкуравий қарашларга асосланади. Бу сиёсатнинг алоҳида хусусияти ноқонуний (яширин) миграциянинг амалда йўқлиги ёки унга қарши кескин курашишдир. Миграция сиёсатининг бу тури ўз ҳудудига иммиграция қилишни жиддий чеклашни мақсад қилиб қўйган иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар учун ҳам хосдир (Дания, Белгия, Финляндия, Куба, Хитой, Шимолий Корея, яқин Шарқдаги қатор мамлакатлар ва бошқалар.);

в) *самарали миграция сиёсати* - миграция жараёнларини жамиятдаги ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида давлат томонидан самарали тартибга солиниши ва амалга оширилиши. Бу сиёсатнинг устувор хусусияти шундан иборатки, унда аҳолининг миграцияси кенг қамровли равишда давлат томонидан тартибга солинади, мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асослари яратилади, мигрантлар ҳуқуқларига нсибатан маҳаллий аҳоли ҳуқуқларининг устуворлиги белгиланади, мигрантлар ҳуқуқий мақомини аниқ тартибга солинади, ташқи меҳнат миграцияси учун квоталар ажратилади, давлат ҳудудида миграция шарт-шароитларини баратараф этиш учун ҳуқуқий ва иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқиб амалга оширилади. Бундай сиёсатни амалга ошириш орқали ташқи ва ташқи меҳнат миграциясини тартибга солишнинг мувозанатли механизмини яратиш, аҳоли ички миграциясини самарали бошқариш ва ноқонуний (яширин) миграцияга йўл қўймаслик мақсадлари кўзланади. Жумладан, И.В.Ивахнюкнинг фикрига кўра бундай чоралар тизимида чегара назоратини мустаҳкамлаш ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш, бошпана беришда

қўшни давлатлар билан ҳамкорлик қилиш ва мигрантларнинг келиб чиқиш давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш чораларини кўрсатиш мумкин. Бошқа олимларнинг фикрига кўра, миграцияни тартибга солишнинг муҳим белгилари қаторида қонуний миграция қилаётганлар учун қулай шарт-шароит яратиш, ноқонуний мигрантларга нисбатан эса уларнинг ўз мамлакатларига ихтиёрий қайтишига олиб келадиган шароитлар яратишдан иборат деб ҳисоблайдилар. Бундай миграция сиёсати қатор Европа давлатлари (Испания, Австрия, Италия, Венгрия, Польша, Чехия, Швейцария, Словакия ва бошқалар)га хос.

2) *консерватив миграция сиёсати* – «иммиграция» ва «рестрикционизм» (инглизча restriction – чеклаш) тушунчаларини ўзида бирлаштиради, яъни, бир томондан, очиклик ва миллий иқтисодий ва ижтимоий фойда учун ҳаракатланиш, ва бошқа томондан – «мамлакатга ишчи кучи кириши ҳажмини чеклаш, жамиятнинг асосий кадрларига риоя этувчи мигрантларнинг таркибини шакллантириш»га қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этади. Бу миграция сиёсати, айни пайтда, мамлакат ичида ҳаракатланиш эркинлигини таъминлаш ва аҳоли орасида ноқонуний ва яширин миграцияга қатъий кураш бўйича самарали тизимни назарда тутди. Давлат сиёсатининг бу тури яхши йўлга қўйилган демократик кадрларга эга бўлган давлатларга хос бўлиб, уни амалга оширишнинг кутилаётган натижалари давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан миграция сиёсатини мустаҳкамлашга қаратилган бўлади. Кўриниб турибдики, сиёсий фаолиятнинг бу тури давлат ва унинг аҳолисининг ривожланаётган ижтимоий муносабатлари ва манфаатларига энг яхши тарзда мос келади. Бу сиёсат АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ва бошқалар учун хосдир;

Таъкидлаш жоизки, миграция сиёсатининг кўрсатиб ўтилган турлари умумлаштирилган ва шартли равишда ажратилган бўлиб, уларнинг турларининг энг умумий, типик хусусиятларини ўзида акс эттирган. Бироқ, миграцияни бошқаришнинг хориж давлатларининг илғор амалиётини ҳисобга олиш бу соҳада мувозанатли ва яхши ташкил этилган давлат сиёсатини шакллантиришга имкон беради.

Хорижий мамлакатларда миграция жараёнларини давлат томонидан бошқариш тўғрисида тасаввур берадиган яна бир муҳим жиҳат - бу давлат ҳудудида миграция жараёнларини давлат томонидан бошқариш режимларидир. Миграция жараёнлари давлат бошқарув режимлар фарқлаш миграция оқимининг турига қараб амалга оширилиши лозим. Зеро аҳолининг ички ва

ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат бошқарувининг ҳуқуқий режимлари ўзаро фарқ қилади, мажбурий миграция, қонуний ва ноқонуний миграция, яширин миграция суръатларидан келиб чиқиб белгиланади ва ҳар бир ҳуду ёки минтақада ўзига хос ҳуқуқий тартибга солиш орқали рўёбга чиқарилади.

## ХУЛОСА

Таъкидлаш лозимки, миграция жараёнларини давлат томонидан бошқаришнинг умумий ва махсус миграция режимлари мавжуд. Деярли барча хорижий мамлакатлар миграция жараёнларини давлат бошқаруви умумий миграция режимлар орасида қуйидагиларни – иммиграция назорат режими; таъқиқлаш ёки чет эл фуқаролари (фуқаролиги бўлмаган шахслар)нинг яшайдиган ҳудудларини чеклаш режими, давлат томонидан айрим ҳудудларда давлат ва жамоат хавфсизлиги манфаатларини таъминлаш мақсадида қўллайдиган депортация режими; бошпана режими ва бошқаларни қўллаши амалиёти йўлга қўйилган. Миграция жараёнларининг давлат бошқаруви махсус миграция режимлари қаторига – миграцион амнистия режими; ташқи меҳнат кучини жалб этиш ва фойдаланиш режими; юқори малакали мутахассисларни жалб режими; инвестицион миграция режими; гуманитар таъминлаш режими (вақтинчалик бошпана бериш) ва бошқалар. Масалан, Америка Қўшма Штатларида иммиграция назорат режими давлат ҳудудига хорижликлар кириши учун квоталар (Green card) жорий этишни ўз ичига олади ва фақат мазкур тадбирда иштирок этган шахсларни фақат муайян чекланган қисми (ҳар бир давлат учун алоҳида белгиланган квота доирасида) Америка Қўшма Штатларида доимий яшаш ҳуқуқини олади.

Шундай қилиб, хорижий мамлакатларда миграция муносабатларини тартибга солишнинг таржрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлашга, хатоликларга йўл тқўймасликка ҳамда мамлакатимизда ички ва ташқи миграция жараёнларини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмини яратилишига хизмат қилади.

## REFERENCES

1. Коннов В. А. Международно-правовые стандарты предоставления убежища в практике государственного строительства стран Европы // Государство и право. 2007. № 12. С. 31—38.
2. Ивахнюк И. В. Международная трудовая миграция: учебное пособие. М.: Тезис, 2005. С. 279.

3. *Щербакова Н. И.* Иностранная рабочая сила на рынках труда Европейских стран: динамические тенденции // Трудовая миграция в СНГ: социальные и экономические эффекты / отв. ред. Ж. А. Зайнчковская. М., 2003. С. 250
4. *Молодикова И. Н.* Основные этапы и методы управления трудовой миграцией в Западноевропейский странах // Трудовая миграция в СНГ: социальные и экономические эффекты / отв. ред. Ж. А. Зайнчковская. М. 2003. С. 278.
5. Бикметов Р.Ш. Рестрикционизм как явление в практике менежмета // Экономика труда. Том 6. Номер 2. Апрель-июнь 2019. – С.863-871
6. *Баранов А. В.* Миграционная политика стран Запада: доктрины и практика консерватизма // Миграция и толерантность. Материалы Международной научно-практической конференции 19 марта 2004 г. Краснодар, 2004. С. 24.